



# O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 26 (4528)  
2019 ЙИЛ 28 ИЮНЬ

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!

Аввало сиз, азизларни касб байрамингиз – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан чин калбимдан муборакбод этаман.

Сизларга ўзининг самимий хурматим, эзгу тилакларимни билдириб, машаққатли ва олижаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Барчамизга яхши аёнки, матбуот, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулятли бўлган. Мамлакатимиз янги тараккиёт босқичига кўтарилаётган, очкилик ва ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланб бораётган ҳозирги даврда бу масъуляти янада кучаймоқда.

Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Барча соҳалар каби ахборот олиши ва уни етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида ҳам рақобат кескин тус олмақда. Бундай мураккаб шароитда ҳаёт янги-янги талаб ва вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳага оид конун ҳуж-

жатларини такомиллаштириш, миллий медиа маконда турли мулк шакли ҳамда сиёсий-ижтимоий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Глобал тармоқда Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони тобора кўпайиб, улар турли тилларда иш юритмоқда.

Янги шароитда ахборот соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида собиқ Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги негизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилганидан хабарингиз бор.

Ушбу агентлик томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, журналистларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хорижий медиа компаниялар билан ҳамкорликни кучайтириш, чет эл веб-ресурслари ва сайтларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш, бир сўз билан айтганда, ахборот майдонидagi фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда тобора тезкор ва кўп тармокли соҳага айланиб бораётган ом-

мавий ахборот воситалари учун глобал медиа маконда кескин рақобатга дош бера оладиган, фаол гражданик позициясига эга замонавий кадрлар тайёрлаш олдимизда турган энг муҳим вазифадир. Ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети анъанавий билим ва кўникмалар билан бирга, инновацион тафаккур, соҳага оид технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган кадрлар тайёрлаш бўйича республикамиздаги етакчи олий таълим муассасасига айланди, деб ишонамиз.

Кейинги пайтда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар таҳлили, соғлом танқидий рух кучайиб бораётгани алоҳида эътиборга лойик. Чунки бундай тенденция ислохотларимиз самарасини оширишга, жамоатчилик назоратини, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, барча даражадаги раҳбар ва мутасаддиларни эл-юрт фикри билан, замон талаблари билан ҳисоблашган ҳолда ишлашга ўргатади.

Албатта, ўзининг билим ва салоҳиятига, ишчанлик, фазилатларига ишонган раҳбар танкидан кўрқмайди, оммавий ахборот

воситалари билан ҳамкорликни халқ билан мулоқотнинг самарали воситаси, деб билади. Аслида ҳам бундай мулоқот тараққиётимизни таъминлайдиган энг асосий омиллардан биридир.

Айни вақтда барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз зарур: ахборот майдонидagi турли баҳс ва тортишувлар, аввало, ҳаққонийлик ва ҳолислик тамойилларига асосланиши, конун ва одоб қондалари доирасида бўлиши, шахсий ғараз ва хусуматга, сохта обрў орттириш усулига айланиб қетмаслиги, инсон шахси ва шаънини таҳқирлашдан йироқ бўлиши, бундай салбий ҳолатларга бизнинг медиа майдонимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги керак.

Ҳаётга доимо сергак кўз билан қарайдиган, халқ ва Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган сиз, матбуот ахли, ўйлайманки, бу ҳақиқатни ҳар томонлама чуқур англайсиз.

Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман, ҳаётимиздаги бугунги улкан ўзгаришлар, ислохотларимиз мантинги барчамиздан янгича ишлашни, янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқишни талаб этмоқда.

Шу маънода, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий матбуот-

тимизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашга эришиши, Интернет журналистикасини ривожлантириш, ноширлик иши, китоб савдоси, обуна ва тарғибот масалаларида бутун дунёда ўзини оқлаган бозор механизмларини кенг жорий этиш, очкилик ва соғлом рақобат шароитида ишлашга ўрганиш бўйича биргаликда хали кўп иш қилишимиз керак.

Ўз навбатида, биз оммавий ахборот воситаларининг фаолият эркинлиги қафолатларини мустаҳкамлаш, журналистларнинг машаққатли меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, жамиятда демократик принциплар, фикрлар ва қарашлар рағ-баранглигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишларимизни албатта изчил давом эттирамиз.

Азиз ва мухтарам дўстлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўп сонли барча муҳлис ва муштарийларингизни бугунги кутлуг байрамингиз билан яна бир бор самимий табриклайман.

Барчангизга сихат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик-хотир-жамлик, файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Садулла ҲАКИМОВ,

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

## ВАТАН РАВНАҚИ, ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табриги, бир гуруҳ ҳамкасбларимизга давлат мукофотларининг топирилиши соҳа ходимлари қувончига қувонч қўшди. Самимий ва сермазмун табрик камтарин фаолиятимизга берилган юксак эътибор, шубҳасиз, биз журналистларни янада фаолроқ бўлишга ундайди.

Албатта, мамлакатимизнинг барча турдаги оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган барча журна-

листлар жамоаси табрикда билдирилган ҳар бир фикр ва ҳар бир ғояни чуқур ўрганиб, улардан ташкилий ва ижодий фаолиятида дастуруламал сифатида фойдаланади. Бугун, ахборот майдонидagi турли баҳс ва тортишувлар, аввало, ҳаққонийлик ва ҳолислик тамойилларига асосланиши, конун ва одоб қондалари доирасида бўлиши, шахсий ғараз ва хусуматга, сохта обрў орттириш усулига айланиб қетмаслиги, инсон шахси ва шаънини таҳқирлашдан йироқ бўлиши, бундай салбий ҳолатларга бизнинг медиа майдонимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги керак.

Ҳаётга доимо сергак кўз билан қарайдиган, халқ ва Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган матбуот ахли бу ҳақиқатни ҳар томонлама чуқур англаши даркор.

Мен бунинг шундай англадимки, ҳаётга сергак кўз билан назар солган одам бугунги кунда тобора обод бўлиб бораётган шаҳару кишлоқлар, маҳаллалар кўнгилларида нураб бораётган эскича қарашлар ўрнида янгича, тоза дунёкараш пайдо қилаётганини илгаслигини асло мумкин эмас.

Президентимиз томонидан Сирдарё вилоятида илгари сурилган, бугун халқимиз қалбида яратувчилик завқини уйғотаётган Беш ташаббус ғояси ҳам

моҳиятан ҳар бир инсоннинг, пировард натижада бутун миллатнинг жисмоний, маънавий, маърифий ва руҳий оламини поклашга, иродасини мустаҳкамлашга, ҳаётини фаровон эттишга қаратилган.

Бугун биз шундай замонда яшаётимизки, одамларнинг дарду тавишлари, орзу-интилишларига даҳлдор бўлмаган сўз заррача қалр-қимматга эга эмас. Бугун одамийлик, бағрикенглик, кечиримлик, фидойиллик каби сўзлар чинакамга ҳаётини маъно-мазмун касб этмоқда.

Матбуот жамият томир уришини белгилайди. Янги шу юрт барчамизники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам барчамизники, шундай экан тобора шиддатли тус олиб бораётган тараккиётимиз йўлидаги ғояларни бартараф этишга, биринчи навбатда, мен даҳлдор ва масъулман, деган эзгу интилиш ҳар биримизнинг фаолиятимиз мезони бўлиши лозим.

Ишончим комилки, Президентимиз илгари сураётган барча ҳаётини ғоялар биз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини Ватанамиз равнақи ва халқимиз манфаатлари йўлида дилни дилга, қўлни қўлга бериб, бир жону бир тан бўлиб, қалб даввати ва виждон амри билан яшаш ва ижод қилишга давват этади.

## ЁШ ИЖОДКОРЛАР АНЖУМАНИ: ЗОМИН ИСТЕЪДОДЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ



Тароватли ўрикисоёи боаларида ёш ижодкорларнинг анъанавий анжумани бошланишига санокли кунлар қолди. Ҷомин товлари баврида устозлар ҳамда тенғдошлар даврасида шк бор шеър ўқиган ёшлар орасидан келюсида адабиётимизнинг забардаст вақиллари етишиб чиқишига умид қиламиз.

Бундан салкам чорак аср аввал Жиззах вилояти ҳокимлиги пашаббуси билан асос солган ва ҳозирга келиб кўлаб ёш истеъдодларни кашф этган анжуман бу йил ўзгача, кўтаринки руҳда, адабиётимизнинг кампа байрамидай қутиб олинмоқда.

► 4-5

## МУБОРАК КУНЛАР

Шоирлик деган касб йўқдир дунёда,  
Ҳеч кимга “Шоир” деб берилмас диплом.  
Юрагинг ёришиб кетар зийдан,  
Туйқус шеър ёзилса –  
Йўқласа илҳом.

Ва лекан тириклик урхоси аро  
Сен ҳам эл қатори койитгайсан жон.  
Не бахтки, жонингга киргайдир оро –  
Газета, радио, ойна жаҳон...

Сўз ва тасвир излаб,  
Ёруғ ниятда  
Мавзулар измида чопгайсан зир-зир:  
Ишлайсан тер тўкиб тахририятда,  
Касбинг аниқ – мухбир ва ё муҳаррир.

Нафис ташбехлардан аввал қаламинг  
Ўжар жумлаларга тегиб чархларан.  
Ғоҳ олмос мисоли таисик – каломинг,  
Ғоҳо мис сингари арзон нархларан.

Розисан,  
Шерингин овутиб тунлар,  
Кундуз кулоқ тутиб давринг сасига.  
Кўксингдан ечилай чигал тугунлар –  
Тўй қилсанг гонорар жамланмасига...

Улкан Тахририят асли бу – ВАТАН,  
Оламга йўллаган ҳар сўзи эзгу.  
Балки шоир дея олмас мени тан,  
Мухбирим, деса, бас – саодатим шу!

Ахир, шоирлик бу – касб эмас, илло,  
Ҳеч кимга “Шоир” деб берилмас ҳужжат.  
Хилол йўнган ойдан қаламим ила  
Элга хизмат қилсам, мен учун шу – бахт.

Ўқинманг, дўстларим,  
Ёмасангиз ҳам,  
Сафда турганларининг собит бирисиз.  
Юрт юкин елқага олганингиз дам,  
Шубҳасиз, шу элнинг муҳарририсиз.

Неки хато бўлса – қилгайсиз тахир,  
Тузатгайсиз – неки бўлса гар гализ.  
Давр китобини ёзғимиз, ахир,  
Шу халқнинг ишонган муҳаррири – биз!

Когўзга тушаркан кўнгил учқунин,  
Экранлар ёришиб, зиёга тўлгай.  
Демак, ҳар кунимиз – Матбуот кунин,  
Демак, ҳар кунимиз муборак бўлгай!

Нодир ЖОНУЗОК

## ҲАМНАФАСЛИҚ СУРУРИ



Шу кунларда Куйичирчик туманига йўли тушган одамнинг юзига мамнуният балқиди. Ниҳоят Чирчик дарёсининг куйи оқимидa тармоқ бўлиб чуваланиб оқаётган узанлар аро ястанган бу кенгликларда ҳам худди мамлакатимизнинг бошқа туманларидagi каби обод маҳаллалар барпо бўляпти. Эндиликда фуқаролар қафтлек теп-текис кўчалардан фарзандларини кўркам богчаларга хурсандчилик билан етаклашиб бориш, нурафшон мактаблар синфхоналарида ўғил-қизлари қувнаб билим олиши, хотин-қизлар замонавий дизайнлар асосида

кад ролтаётган маиший хизмат корхоналарида, тикувчилик цехларида, савдо ва озик-овқат муассасаларида худди шаҳар аҳолиси каби марок билан хизмат қилиш, яшаш, яратиш имкониятларига эга бўладилар.

Бу ерда тумани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича сектор штаби ташкил этилган бўлиб, унинг худудига Беруний, Бешкент, Хужайи-скон, Чинобод, Кўксарой, Сурум, Сергели маҳалла фуқаролар йигинлари кирди. Худудларда ташки-

► БЕШ ТАШАББУС ИЗИДАН

лаган, кулун ва тойлари дириллаган, қўйимчлари билкиллаган отлар суруви, уларнинг мастана кишновлари кулоқларга хуш ёқди, кўзларини қувонтиради. Сурурдан завқланиб, беҳтиёр ўзининг хам қўнж айтиворинг келади.

– Ўху, – деворди сафардошларимиздан бири, – шэйтияспизларми, карнай-сурнайларнинг овози келяпти?!

Ҳақиқатан ҳам қўзланган манзилга етишимиз билан эътиборимизни торгани – башанг кийинган аҳоли бола-бақрасини етаклаб, худди байрамга ошккаётгандай Беруний МФЙ худудидagi мактаб стадионига селдай оқаётган экан. Карнай-сурнайларнинг овози кўкка ўрлайди. Ерлик аҳолининг таърифлашча, экилганга 70-80 йил булган чинорлар қўланқасида кета-кетгунча Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тасарруфидagi нашриётлар томонидан чоп этилган китоб расталари жойлаштирилибди. Уларнинг атрофи муҳлислар билан гавжум. Бир томонда санъат мактабнинг бўлғуси расомлари, Камолитдин Бехзод номидаги миллий расомлик дизайн институти талабалари ва тажрибали ўқитувчилари иштирокида маҳорат дарслари ўтилмақда ва айни пайтда улар кишлоқда амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнларини матога муҳрлашга ҳаракат қилишмоқда. Ёш ижодкорлар орасида Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси раҳбари Иброҳим Валихўжаев, таникли расом, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, доцент Ортиқали Қозоқовларни уратиб қолдик ва табиийки, суҳбатга чорладик: ► 6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ  
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА  
ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ  
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда демократик тамойиллар, сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириши, ҳаққиқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаши, аҳолига ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказиши, жамият ва давлат идоралари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишларига қўйилган муносиб ҳиссаси, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, янгиланиши ва инновация жараёнларини кенг ёритиши, ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, ордени ва медаллар билан мукофотлансин:

- «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»
- Пардабаева Халида Эшанқулловна – «Сирдарё ҳақиқати» газетаси маънавий бўлими мудири, Сирдарё вилояти  
Юнусов Темурмалик – Бадий сўз устаси
- «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»
- Отмуратов Икром Исломович – «Шарк юлдузи» журнали бўлим мудири
- «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН
- Садиев Махмуд Халиқулович – «Маърифат» газетаси бўлим муҳаррири
- «МЕХНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН
- Атакулов Ходжимурод Инамович – «Орият телерадиокомпанияси» масъулияти чекланган жамияти бош муҳаррири, Тошкент шаҳри  
Есебаев Қуатбай Матемович – Қорақалпоғистон ахборот агентлиги бош муҳаррири  
Қудратходжаев Шерзодхон Тажидинович – «Халқаро пресс-клуб» нодавлат ношерилик ташкилоти раиси  
Сандов Зафар Хашимович – «Менинг юртим» нодавлат телеканали бадий кенгаши масъул котиби  
Халилов Абдуҷалил Вақилевич – «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари, Бухоро вилояти
- «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
- Абдисаматов Шамил Мирзаевич – Томди тумани «Тамди шаруағери» газетаси муҳаррири, Навоий вилояти  
Атаджанов Азамат Юсуббаевич – «Gazeta.uz» веб-сайти бош муҳаррири  
Ғойимов Уралбой Солиқович – «Халқ сўзи» газетасининг тезкор ахборотларни мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари  
Магай Алла Владимировна – «Корё Синмун» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, Тошкент шаҳри  
Мисков Вячеслав Юрьевич – «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этувчиси  
Ризаев Наврўз Ибодуллович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали катта муҳаррири  
Саттаров Акрамжон Усманович – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Наманган вилояти бўйича шарҳловчиси  
Ташпулатова Назира Қурбановна – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси мудири

- «КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН
- Худайбердиев Хушнуд Ғайратович – Ижтимоий тармоқлардаги «Xushnudbek.uz» саҳифалари администратори  
Юсупов Бекзод Дилшодович – «UzNews.uz» веб-сайти бош муҳаррири
- «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
- Абдурахмонов Абдугани Абдурасулович – «Xabar.uz» веб-сайти бош муҳаррири  
Алибаев Сергей Назаралиевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали бош муҳаррири ўринбосари  
Ғафурова Рухсора Ўмирзақовна – Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ахборот марказининг «Замон» ахборот-таҳлил дастури муҳаррири  
Лапасов Абдушуккур Хужахмадович – «Жиззах ҳақиқати» газетаси бўлим муҳаррири, Жиззах вилояти  
Мамбетшерипова Назира Абдиганиевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали бўлим мудири  
Нарматов Усмани Наркулович – «Сурхон тонги» ва «Заря Сурхана» газеталари бирлашган таҳририяти масъул котиби, Сурхондарё вилояти  
Норқобилов Жамшид Буриевич – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қашқадарё вилояти бўйича фотомухбири  
Тешабоев Ахмадали Тешабоевич – «Фаргона ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири, Фаргона вилояти  
Тошмуродов Тошпулат – Нарпай тумани «Пахтакор овози» газетаси бош муҳаррири, Самарқанд вилояти  
Тўйчиева Гулноза Абдукаримовна – «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи муқоваловчиси  
Умирзоқов Жамшид Абдурақович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Тошкент» телеканали катта муҳаррири  
Хидиров Қобил Уролович – Ижтимоий тармоқлардаги «Davletov.uz» саҳифалари администратори  
Шермухамедов Умид Хатамович – «Kun.uz» веб-сайти бош муҳаррири  
Эгамов Эркинбой Собирович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Хоразм вилояти телерадиокомпанияси «Воҳа» тезкор ахборот гуруҳи муҳаррири  
Эралиева Зарифа Ашуровна – Тошкент вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2019 йил 27 июнь

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини

УЛКАН МАСЪУЛИЯТГА  
УНДАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида  
27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фахрий журналистлар, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар катнашди.

Давлатимиз раҳбарининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Бугун журналистлардан тезкорлик, ҳолислик билан бирга давлатимиз раҳбари томонидан қўйилаётган вазифаларга ҳозиржавоблик, пухта ва умуммал билим асосида, ўз фаолиятига ижодий, теран таҳлилий-танқидий руҳда ёндашув талаб этилмоқда.

Президентимиз томонидан олиб борилаётган инсонлар ва халқчил сиёсат миллий журналистикани жадал раванк топтириш, сўз ва матбуот, фуқароларнинг ахборот олишга оид ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Матбуот ривожини йўлидаги ҳамхўрлик ва эътибор соҳа ходимларининг жамиятдаги ижтимоий мақоми тобора юксалтириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда ўз ифодасини топмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, таҳририят-матбаа комплексларининг миқдор ва сифат жиҳатидан ўсиши, фуқаролик жамияти институтлари, реклама агентликлари, ахборот хизматлари, медиа коммуникация, Интернет журналистикасининг шаклланиши рақобатбардош, янгича шарт-шароитларда ишлаш олаётган журналист кадрларни тайёрлаш заруратини юзга келтирмоқда. Бунда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Бугун мамлакатимиздаги ислохотлар жараёни ёки дунёнинг исталган чеккасида бўй бераётган воқеа ва ҳодисалар шу онинг ўзидики оммавий ахборот воситалари, аиникса, интернет нашрларида акс-садо бермоқда. Юртимизда фуқаролик журналистикаси,

меҳнатлари учун бир гуруҳ ОАВ вакиллари унвон, ордени ва медаллар билан тақдирланди.

Тадбирда бу мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ўз эгаларига тантанали тоширди.

«Сирдарё ҳақиқати» газетаси бўлим мудири, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» унвонини совриндори Холита Пардабаева, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали бўлим мудири, «Шуҳрат» медали соҳибаси Назира Мамбетшерипова, «Корё Синмун» газетаси бош муҳаррири ўринбосари, «Дўстлик» ордени соҳибаси Алла Магай, ижтимоий тармоқлардаги «Xushnudbek.uz» саҳифалари администратори, «Келажақ бунёдкори» медали совриндори Хушнуд Худайбердиев, ижтимоий тармоқлардаги «Davletov.uz» саҳифалари администратори, «Шуҳрат» медали соҳибаси Қобил Хидиров матбуотда фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини эътироф этиб, соҳа ривожини йўлидаги улкан эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдириди.

– Камтарона меҳнатларим инobatта олинди, – дейди «Маърифат» газетаси бўлим муҳаррири, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси Махмуд Саъдиев. – Президентимиз қайта-қайта ўз нутқида маънавий бедорликка даъват этаётган. Журналистиканинг «тўртинчи ҳокимият» сифатидаги мақоми мустаҳкамланмоқда. Жамиятдаги муаммоларни масалаларни ёритиш, шу маънода халқимизга қўмақдош бўлиш учун соҳа вакилларидан дидлик, ҳақўйлик ва ҳолислик талаб этилади.

Тантанали тадбирда санъат усталари, эстрада юлдузлари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт намойиши бўлиб ўтди.

Шу кунини пойтахтимиздаги Ғафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида соҳа ходимлари ва уларнинг oilалари учун байрам сайли, китоблар, газета-журналлар кўргазма-ярмаркалари, бадий жамоаларнинг концертлари бўлиб ўтди. Байрам тадбирлари мамлакатимиз бўйлаб кўтаринки руҳда нишонланди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири



Президентимизнинг фармони асосида демократик тамойиллар, сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказиш, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, янгиланиши ва инновация жараёнларини кенг ёритиш, ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги

СЎЗГА ИХЛОС – ЭЛГА ҲУРМАТ

Президентимиз томонидан илгари сурилган беш ташаббус мазмун-моҳиятига кўра ўзаро узвий боғлиқ. Инсон ҳаётида ўз ўрнини китоб орқали топади. Шунинг учун мамлакатимизда китобхонликка катта эътибор қаратишмоқда. Бу бадий ижод аҳлига улкан ижтимоий масъулият юклайди. Бунёдкорлик ва қурилиш ишлари жадал амалга оширилаётган меҳнат жаҳаларида заҳмат чекаётган замонадошларимиз ҳузурда беш ташаббус бўйича ижодкорлар иштирокида ўтказилаётган адабий учрашувлар миллий тақдир ва Ватан тараккиётига дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамламоқда. Бадий ижодининг тезкор ва таъсирчан турларидан бири – шеърят бу жаҳада фаол, илғор.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Шеърят ижодий кенгашининг навбатдаги йилги ишларида юқоридagi фикрлар алоҳида таъкидланди. Йилги ишда бугунги кунда рўй бераётган баъзи ижодий муаммолар ва камчиликлар ҳам муҳокама этилди.

Албатта, шеър киска вақтда ёзилади. Бирок унинг сифати, бадийи етуклиги, шаклий ва услубий янгиллиги, энг муҳими, шеърнинг сўз санъати экани асосий ўринда туриши лозим. Вақту замон шиддат билан ўзгараётган бугунги кунда шеър машқ қилаётган хаваскорлар кўп. На вазну турок, на кофия, на бадий мазмундан ному нишон бўлган чалажон сўз бирикмаларини қўшиқ қилиб қўйлаётган баъзи хонандаларнинг радио-теле-

вение орқали чиқишлари ҳам маълум маънода омманинг бадийи савияси пайсийишига сабабчи бўлмоқда. Ўзбекистон ўндан ортик хато борлигини кўриб ажабланасиз. Ок вараққа кўчирилган бир неча юз саҳифадан иборат бир кўлэзмага муаллиф на исм-фамилиясини, на уй манзилини ёзган. Муаллиф ким? Каерда яшайди? Ёши нечада? Қасби қандай? — бундай саволларга жавоб йўқ. Ушбу кўлэзмани ўқиб, ёзган фикрингизни қаёққа ва кимга жўнаштириши ҳам билмайсиз. Ёзув маданиятига, кўлэзмага, тилга, сўзга бўлган бундай эътиборсизлики қандай баҳолашни ҳам билмайсиз. Сўз санъатининг энг юксак тури бўлган шеърятда ижод қилиш учун киши, аввало, нинг вилоят бўлимларида тизимли, аниқ ва самарали ижодий тарғибот ишлари мунтазам йўлга қўйилиши зарур. Адабиётни чуқур ҳис этган, англаган китобхон яхши асар билан хаваскорона ёзилган машининг фарқида, албатта, боради.

Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг «Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз» деган ҳикматли сўзи бор. Бир варақ оддий хат ҳам ўз муаллифининг юзини, ички дунёсини, маданиятини, ҳис-туйғуларини ва фикрлаш доирасини ифодалайди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ўз ижодида доир кўлэзмаларини тошираётган муаллифларга қарата: «Ўзингизга – сўзингизга нисбатан бундай бегътибор бўлмаган», деб мурожаат этгиниз келадди. Китобхонликка, мутлақа маданиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ижод» жамоат фонди томонидан китоблар бепул ва бегараз тарқатилаётган бугунги кунда мумтоз ва замонавий адабиётимиз билан бирга жаҳон адабиёти дурдоналарини ўқиб-ўрганинг. Ушанда ёзув маданиятига, бадийи ижодга нисбатан муносабатингиз ижодий томонга ўзгаради ва эзгу орзу-армонларингиз, албатта, ушалади.

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ”  
2019 йил апрель сони

Журналнинг ушбу сони, асосан, белорус адабиётига бағишланган. Беларусь адабий ҳаёти, маданияти ва санъати бағишланган мақолалар билан бирга, танқил ёзувчилар Людмила Рублёвская, Олег Ждан ҳикояларини (таржимон Ё.Хўжабериёв), Наум Гальперович, Микола Метлицкий, Виктор Шнип сингари замонавий белорус шоирлари ижоди намуналарини (таржимон М.Мирзо) ўқийсиз.

Атоқли инглиз адаби Генри Хаггардин «Доктор Терн» романида ҳаётда йўл қўйилган кичик католиклар қандай дахшати фожеаларга олиб келиши ва уларнинг жамият ҳаётига салбий таъсири хақида ҳикоя қилинади. Мазкур асар таржимаси устоз таржимон Қодир Мирмухаммедовнинг охириги ижодий иши. Аргентиналик машҳур адиб Хулио Кортасарнинг «Монтекильянинг сўнги кунини» (О.Отахонов таржимаси) ва атоқли чех ёзувчиси Карел Чапекнинг ҳикояларини (таржимон Н.Абдуллаев) ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз.

«Муҳаррир минбари» руқнда берилган «Наҳот эшигининг қалити» мақоласида ер ўзида сув билан боғлиқ муаммолар нечоғли долзарблиги, «сув ресурслари сифатини пайсийи кетишидан сақлаш» кечиктириб бўлмайдиган, башарият олдида турган ўта муҳим вазифа экани таъкидланади. Т.Шибоеваннинг «Олим Отахоновнинг Қавабатаси», Б.Каримовнинг «Бобурномадан «Ўткан кунлар»га», М.Муҳаммаданиновнинг «Абдулла Қодирий ва театр санъати» сингари эссе ва адабий-танқидий мақолалари ҳам журналнинг ушбу сони мундарижининг бойитган.





# БЕЎБОР ЁШЛИКНИНГ ЖУШҚИН ЧОҒЛАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мамлакатимизнинг олти вилояти ва Тошкент шаҳрида ўтказилган ҳудудий босқичларда иштирок этган юзлаб ёшлар орасидан ҳар бир вилоятдан беш нафардан ёш қаламшарнинг назм, наср, бадиий публицистика, бадиий таржима, болалар адабиёти, адабий танқид, драматургия йўналишидаги машқлари устоз ҳакамлар томонидан синчиклаб ўрганилиб, саралаб олинди. Кузатишимизча, йилдан-йилга китобхонлик маданиятига, адабиётга ва ижодкорга эътибор кучаяётгани, ёш қаламкашлар сони кўпайиб бораётгани натижа-сида семинарга тақдим этилган машқларга бўлган талаб ҳам ортмоқда. Бу табиий ва давомли жараёндир.

## ЁШ ИЖОДКОРЛАР АНЖУМАНИ: ЗОМИН ИСТЕЪДОДЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Анжуман арафасидаёқ унинг шуқуҳи қалбларга кўчди, янги истеъдодлар билан танишув, ҳаяжонли дақиқалар яқин. Демакки, сафларимиз кенгайди. Зеро, бугунги ёш ижодкор — эртанги адабиётимиз яратувчисидир. Зомин анжуманида муваффақиятли иштирок этиб, машқлари таниқли устозлар томонидан эътироф этилган ёшларнинг ижодий фаолиятида том маънода янги давр бошланади: шеърлари матбуотда эълон қилинади,

илк китоби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Ижод" фонди ҳисобидан чоп этилади. Бир сўз билан айтганда, улар ижодкор сифатида адабий жамоатчилик назарига тушади. Қолганлари эса, юртимиздаги ижодкор тенгдошлари билан бевоқифа танишади, дўстлар ортиради, ижод олами сирларидан оғоҳ бўлиб, ўзига муносиб йўл таназда.

Ҳазрат Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қуллуб" асарининг ўн олтинчи фасли — "Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида" тўхталар экан, уларнинг "Ишлари маоний ҳазоинидин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм термак" эканини таъкидлайди. Улуғ бобомизнинг дурдона асарларида назм аҳли, ижод сирлари, сўз ва маъно борасида бебаҳо сабақлар муфассалки, буни англаган ижодкорга мақсад сари тўғри ва нурафшон йўл очилади.

Назм гулистони сари интилгувчи ёшларга анжуманда муваффақиятли иштирок этишини тилаймиз ва анжуман арафасида мамлакатимизнинг турли кентларида яшаб, қалам тебратётган ёш ижодкорлардан айримларининг машқларидан намуналар бериб, барча иштирокчиларга ижодий ютуқлар тилаймиз.



Тахририят

## АНИҚ МАҚСАД, КЎТАРИНКИ РУҲ ВА ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ

Мамлакатимизда эртанги кун эгалари — ёш авлоднинг камол топишига, иқтидор ва қобилиятини юзига чиқаришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббус бу борадаги ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқди. Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан беш ташаббус доирасида амалга оширилаётган тадбирлар ёшларнинг ёзги таътил кунлари жўшқин ва қизиқарли ўтишига хизмат қилмоқда.

**БИРИНЧИ ТАШАББУС.** Чортоқ туманидаги 54 та умумтаълим мактабда ташаббус доирасидаги устувор йўналишларни қамраб олган 410 та тўғрақ фаолият кўрсатмоқда, уларга 8200 нафар ўқувчи қамраб олинган. Короскон қишлоғидаги 3-умумтаълим мактабда бу борадаги ишлар намунали йўлга қўйилган. Мактабда мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг қатор йўналишлари бўйича ўндан зиёд тўғрақлар ёзги таътил пайтида ёшларнинг сеvimли масканига айланган. Ташаббус асосида туман халқ таълими ва маданият бўлимлари ҳамкорлиги янада кучайди ва натижада мақсадли фаолият ўнга яқин тўғрақ қаторига тасвирий санъат, рақс, доирачилик, ҳатто кўйибди театри каби янги йўналишлар қўшилди. Ҳозир уларнинг сони 15 дан ошди. Мактаб "Кўйибди театри"нинг кичик иқтидор эгалари эртақлар асосида яратган сахна асарларини нафақат тенгдошлари, устоз-муаллимлар, шунингдек, ота-оналар, меҳмонлар ва жамоатчилик вакиллари ҳам олқишлар билан қарши олмақда. Табиийки, яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар ёшларни иштиёқ ва шижоатга ундамоқда.

**ИККИНЧИ ТАШАББУС.** Ёшлар таълим-тарбиясида, аввало, уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш жуда муҳим. Бу борада Уйчи туманида 5 ташаббус асосида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. Бир ярим минг нафардан зиёд ўқувчи таълим олаётган 6-умумтаълим мактаби жамоаси ўқув йили мобайнида мунтазам фаолият олиб борган мактабдаги спортнинг теннис, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, мини-футбол каби ўндан зиёд турлари бўйича машғулотлар аниқ ёз кунларида ҳам қизғин давом этаётгани фикримиз тасдиғи бўла олади. Аниқ йўналишда тумандаги бошқа умумтаълим мактабларида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Тумандаги 44 та мактабнинг 39 та спорт зали ёшлар ихтиёрида. Улар замонавий спорт жиҳозлари ва инвентарлар билан таъминланган. Ҳар бир илм масканда фаолият олиб бораётган ўндан зиёд спорт тўғрақлари 17 мингдан зиёд ўқувчи жалб этилган. Уларнинг 8465 нафари қизлардир. Мунтазамлик касб этган беллашувлар, спорт мусобақаларида улар ҳар жиҳатдан чиқиб келишмоқда. Ёш спортчилар нафақат юртимиз, балки халқ-

қаро миқёсдаги мусобақаларда ҳам ўз қобилиятини намойён этиб, юртимиз байроғини баланд кўтармоқдалар.

**УЧИНЧИ ТАШАББУС.** Спорт тўғрақларида жисмонан чиққан ўқувчилар учинчи ташаббус — компьютер технологиялари борасида ҳам билимларини ошириш, Интернетдан оқилона ва самарали фойдаланишда ҳам етарли кўникмага эга бўлмоқдалар. Тумандаги мактабларнинг барчаси компьютер техникаси билан таъминланган. Илм масканларида "Зиёнёт" тармоғига уланган 915 та компьютер ва ахборот коммуникация технологиялари мавжуд. Устоз-муаллимлар ёшларни камолот сари етаклашга бор билим ва салоҳиятларини сафарбар этмоқдалар.

**ТўРТИНЧИ ТАШАББУС.** Ёшларни китобхонликка жалб этиш борасида Чортоқ туманидаги ишлар самарали бўлмоқда. Жумладан, тумандаги умумтаълим мактаблари, ахборот-ресурс марказларига 16802 турдаги 140 миллион сўм маблағ ҳисобига 2108 та аудиокиноблар, электрон адабиётлар тақдим этилди. Аниқ пайтда 37845 нафар ўқувчи-ёш тумандаги ахборот-ресурс марказлари ва мактаб кутубхоналарида улардан баҳраманд бўлмоқда. Шоир ва ёзувчилар, маънавий қозилари билан ижодий учрашувлар синф хонаси ва кутубхоналардан ташқари "Библиобус" да ҳам ташкил қилинаётгани ўқувчилар-

га бир олам завқ бағишламоқда. Ижодкорлар, турли соҳа вакиллари билан бўлиб ўтаётган учрашувлар ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол бўлишига ундамоқда.

**БЕШИНЧИ ТАШАББУС.** Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ташаббусларнинг ҳар бири муҳим ва долзарб. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бешинчи ташаббус этиб белгиланганки, келажакимиз эгалари, айниқас, ўсиб келаётган қизларимизнинг ҳаётда, жамиятда, оилада ўз ўрнини топишида ўзлари қизиққан касб-хунарни мукамал эгаллашлари муҳим. Аниқ пайтда Уйчи туманидаги 7 та касб-хунар коллежида ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида 51 йўналишда машғулотлар олиб борилмоқда. Уларга тумандаги мактабларнинг 3975 нафар 10-, 11-синф ўқувчилари жалб этилган бўлиб, шундан 2023 нафарини қизлар ташкил этади. Ўқувчи қизлар устозлар кўмағида ошпазлик, пазандачилик, сартарошлик, тикувчилик, тўқувчилик, зардўзлик, қандолатчилик каби замонавий йўналишлар бўйича касб-хунар сирларини ўрганмоқдалар. Бугунги сай-ҳаракатлар эртанги келажакка мустақам пойдевор, тамал тоши бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Шундай экан, ёшларни истиқбол сари етаклаётган беш ташаббус доирасидаги сай-ҳаракатлар янада кенг қулоч ёзаверади.

Мафтун РЕЖАББОВА  
Наманган вилояти

## ФАРҒОНАДА НАПОЛЕОН ҚАБРИ...

Кўхна Франция ҳақида сўз кетганда буюк саркарда Наполеон Бонапарт, жаҳон адабиётининг етук намояндалари — Александр Дюма, Стендаль, Оноре де Бальзак сингари адиблар сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Аниқ пайтда Франция тимсолига айлиб кетган мухташам Эйфел минораси, ойнаванд Лувр музейи, қадимги Версал саройини кўриш орзуси билан яшайдиганлар кўплаб топилади.

Бироқ француз олами акс этган хотиранинг бир парчаси ёнгинамизда — Фарғона заминидан эканлигини ҳамма ҳам билмас керак. Фарғона шаҳридаги Қардошлик қабристонидан француз халқининг фарзанди мангу ором топган. Юртимизни ўрганиш умидида келган олимнинг умри заминимиз тупроғида яқун топган экан. Олимнинг қимлиги билан қизиқиб, Фарғона давлат университетини француз тили факультетининг катта ўқитувчиси Исроҳон Дехқонов билан бирга шу манзилга келдик. Қабртошдаги битиқда ўқийман: "Урта Осиё тақдиротчиси Жозеф Мартин Наполеон. 1893 йилда вафот этган". Тахрибали устоз француз фарзандининг юртимизга қандай келиб қолгани ҳақида сўз очди:

— Дахлаб Мартин Тибетга йўл олган. У ўз хисоботларини ўша даврда Санкт-Петербург ва Лион шаҳрига мунтазам юбориб турган. Чунки тақдиротга икки давлат ҳамкорлиқда ҳамийлик қилган. Кейинчалик у Тибетдан Ушга, ўшдан Фарғонага келган. Бу аниқ сана билан белгиланган — 1891 йил, ноябрь ойи. Ўша даврда шаҳримиз генерал губернаторлик тасарруфига эди. Жозефнинг мақсади Фарғона водийсининг географик ва геологик имкониятларини ўрганишга қаратилган. Лекин тоғлардаги изланишлар чоғида олим терлама касалига чалинади. Шу хасталик туфайли Фарғонага келган вақтда Жозеф вақтинча генерал-губернаторнинг хонадонига яшади. Унга Эмилия исми француз қиз хизмат қилади. Бизгача етиб келган маълумотларнинг ақсариятини шу аёл қоғозга туширган. Жозеф Мартин 1893 йил 23 майда дафн этилган. 1992 йилда Франция биринчилардан бўлиб мамлакатимиз мустақиллигини тан олди, пойтахтда элчихона очилди. Элчихона вакиллари билан биргаликда 1993 йили Жозеф Мартин таваалудининг 100 йиллигини нишонладик. Шундан бунён факультетимиз ва шаҳардаги француз тилига ихтисослаштирилган 3-умумтаълим мактаби ўқувчилари устозлар билан биргаликда Мартинни хотирлаш кунига иштирок этиш, унга эҳтиром кўрсатиш аънаанага айланган.

Ўзбекистон ва Франция муносабатлари тарихи узоқ даврларга бориб боғланади. Франция билан маданий алоқалар тарихимизнинг олтин саҳифаларидандир. Маълумки, бобокалонимиз Амир Темура Франция қироли Карл IV билан ўзаро ёзишмалар олиб борган. Бугунги кунда ҳам ушбу аънаналар бардавон. Хусусан, "Ўзбекистон — Франция" дўстлик жамияти ўз фаолиятини таълим, маданият, маърифат соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш асосида ташкил қилиб келмоқда. Икки мамлакатнинг бой тарихи, адабий алоқалари, илм-фан соҳасидаги муносабатларни мустақамлашга хизмат қилувчи қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Жозеф Мартин ҳақидаги маълумотларни йиғарканман унинг сўнги манзили ватандошлари учун келгусида кичик зиёратгоҳ бўлиб қолади, деб умид қиламан...

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ

Фарғона вилояти

Жавзо... Эрталабдан касалхона дарвозаси олдидаги даракда қўнишиб ўтирган бир жуфт мусичага термулган Ихтиёрнинг миясида фикрлар гужон...

— Нима қилсам экан-а, — ўзига-ўзи шивирлай бошлади у, — ойимнинг ахволлари кундан-кунга ёмонлашяпти. Докторлар эса мени ёш бола деб ўйлаб, аниқ бир гапни айтишмайди. Йўқ, шу бугуноқ доктордан аниқ натижани сўрайман!

— Доктор, илтимос қиламан, бир дақиқага тўхтанг! — Вақтим йўқ, укажон, мажлисим бор.

— Лекин мени эшитишингиз керак!

Ихтиёрнинг овози одатдагидан кўра баландроқ чиқди. Доктор Файзуллаевни йигитчанинг қатъияти ажаблантирди.

— Бир ярим дақиқа вақт бор. Тез гапир!

— Ойим... ойим учун нима қилай?

— Ҳеч нима, биз ўзимиз ҳаммасини қияляпмиз.

— Йўқ, доктор, ахvoli ёмонлашаётганини билиб турибман, илтимос, тўғриси айтинг! Ахир, ёш бола эмасман, ўн олтидаман!

— Бўпти, соат ўн бирда жаррохлик бўлими олдидаги ўриндиқда кўришамиз. Сенга тушунтиришга ҳаракат қиламан. Энди қўйворасанми?

— Ҳа...

Ихтиёр югуриб бориб жаррохлик бўлими олдидаги ўриндиқга чўкди. Бироздан сўнг эрталабки йиғилишдан чиққан докторлар унинг олдидан ўтиб кета болашди.

Доктор олдати бўйича беморларнинг олдига кириб, уларнинг ахволдан хабар олиб чиқди. Ихтиёрнинг онаси олдида келганда беихтиёр жилмайди.

— Ўғлингиз жуда дадил, ажойиб экан! У мен билан гаплашиб олмақчи.

Онанинг кўзлари катта очилди. Кенгайиб кетган қорачиқлари оқариб кетган юзига галатга тус берди. Куруқшаб қолган лабларини намлаб олди-да, паст овозда деди:

— Доктор, сиздан илтимос, уни бугун бирор баҳона билан узокроққа жўнатиб юборинг. Илтимос, у бугун олдимга кирмасин.

— Хўп, ҳаракат қиламан.

## ШАФФОФ ТОМЧИ

Икки соатдан кейин Файзуллаев йигитчанинг олдида чиқди. У ҳали ҳам ўриндиқда хаёл суриб ўтирар, ниманидир интиқ кутаётгани кўриниб турарди.

— Мана, келдим. Энди, сўра сўрайдингиз.

— Биринчидан, ойимни операция қилиш керак деб айтгандингиз, лекин қилмадингизлар? Иккинчидан, мен қандай ёрдам бера олишим мумкин?

— Биринчидан, ойингизда қанд касали ҳам бор экан, қонидан қанд микдори анча юқори. Бундай беморларда жаррохлик амалиётини ўтказиш мумкин эмас. Иккинчидан...

Файзуллаев бироз ўйланиб қолди. Кейин эса сал нарида ҳовузчадаги отилиб турган фавворага қараб давом этди:

— Иккинчидан, сенбоп бир иш бор!

Ихтиёр ютини олиб, докторнинг юзига умидвор тикилди.

— Биласанми, бизда шаффоф томчи билан тайёрланган кукун дори бор. Ойингизга фойдаси тегса керак. Аммо унга фақат жуда тоза томчи зарур. Томчининг ўзида бутун бошли Кўёш акс этиши керак, тушундингми?

Ихтиёр ҳам фавворага қаради.

— Йўқ, бу тоза эмас экан. Лекин узоғи билан эртага эрталабгача топаман.

— Майли, кутаман.

Доктор жилмайиб ўрнидан турди. Йигитча юргунча чиқиб кетди...

Ихтиёр кун бўйи ўзининг қишлоғи ва қўшни қишлоқлардан шаффоф сувни қидирди. Аммо топганларининг бирортасида

Кўёшнинг аксини кўрмади, яна унчалик шаффоф эмасдек туюлди. Тўғри, уларда Кўёш нури кўринарди, аммо Кўёш акси эмасди!

— Наҳот, топа олмадим!

Ёнгинасидан ўтиб кетаётган ёши улугроқ аёл унга ҳайрон бўлиб тикилди.

— Нима гап, ўғлим, тинчликми?

Ихтиёр ўгирилиб ёнида турган аёлни кўрди.

— Кечадан бери хуноб бўлиб кетдим. Томчисида Кўёш тўла акс этадиган шаффоф сув қидирайман.

— Фақат шуми? Амиртепа томондаги захкашга ҳеч борганмисан?

— Бўлмасам-чи, балиқ овига борардим.

— Ўша ердаги кўприк остиди саккиз кўзли каттакон чашмини ҳам биларсан?

— Ҳа, ҳа, эсладим.

— Ўша чашма суви жуда шаффоф. Балки бориб кўрарсан? Ихтиёр ўрнидан сакраб турди. Кўлида шилиқ идишини маҳкам сиққанча велосипедига ўтириб, тепалика олиб кетди. Чашмага қандай етиб келганини ҳам англамади. Йикли-сурилла кўприк остига тушди-да, чашма сувидан қониб-қониб ичди. Кейин эса ховучида сув олиб Кўёш нури тушиб турган томонга боши узра селиб юборди. Томчиларнинг ҳар бирида акс этган ўнлаб кўёшларни кўриб энтикиб кетди.

— Хайрият!

У идишини сувга тўлдириб, катта йўлга чопиб чиқди. Шаҳарга кетадиган машинага ўтириб олган, чуқур нафас олиб қўлидаги соатига қаради. Соат ўн бўлиб қолганди...

Ихтиёр касалхона дарвозасидан кираётки шобиб бораётган кишига урилиб кетди.

— Ихтиёр?!

У бошини кўтариб, кўзларида ёш айланиб турган дадасини кўрди. Кўнгли бир ёмонлиқни сездию онаси ётган палатага чопиб кетди. Палата эшигини зарб билан очиб, ичкарига отилди. Сўнг бирдан тошдай қотдио қўлидаги шиша тушиб кетди. Пардалари кўтариб қўйилган деразадан Кўёш нурлари тушиб турарди.

— Ойи...

У энди аста-секин қадам ташлаб, филдиракли кўчма қарават устига олинган онасига яқинлашди.

— Ойижон...

Ихтиёр чойшабини охишта кўтарди. Нур тикка тушиб турган шу ҳолатда онаси фариштага ўхшаб ётарди: юзлари оппоқ ва нурли... Ихтиёр онанинг ним табассум қотиб қолган юзларига лабларини босиб, кўзларини юмди. Қароқларидан бир неча томчи ёш думалаб тушди. Ихтиёр кўзларини очиб, онасининг юзига тикилди. Она ёноқларида маржондек ялтираб турган ўзининг кўз ёшларига ҳайрат билан тикилиб қолди: уларда Кўёш акс этарди...

Талъат ҲАЛИМОВ

Бухоро вилояти



# ИЖОДГА ЧОРЛАЙДИ ЗОМИН ИОҒЛАРИ

## Она тили

Хар бир сўзи яшнаб кетар айтсам алёр,  
Фахрлансам, ўзгача бир сурури бор,  
Кўҳна тарих ва келажак гурури бор,  
Ватан ишқин ўз тилинга куйла, элим,  
Номус-орим, беғуборим — она тилим.

Навоийдан қолган наво янграган соз,  
Шоҳ Бобуригил паноҳида тошган эъоз,  
Юрагимда имон каби ёқут, ихлос,  
Хизматингга отланарман боғлаб белим,  
Боболардан мерос қолган она тилим.

Сен бўлмасанг, бўлармидим элда шоир,  
Ёзганларим бир девона дилга доир,  
Ўзбекларни ўзбек қилган ўзинг, ахир,  
Сендайин соф бўлсин менинг юрган йўлим,  
Сен буюк халқ юрагисан, она тилим.

Рашид ХУҶАМОВ

Сирдарё вилояти

## Кўнглим

Ўйимга енг кўнглим-а,  
Бўйимга тенг кўнглим-а,  
Ҳеч сўли йўқ ўнглим-а,  
Кел, гўзал дил бўламиз!

Табиат бир тилсим-ай,  
Ғуборларни тилсин-ай,  
Бўронларни менсимай,  
Ёқимли ел бўламиз.

Юлдуз тунга асирми?  
Тилда ёлгон, чин бирми?  
Тоғ билдилар киборни,  
Биз эса сел бўламиз.

Ўйимга енг кўнглим-а,  
Бўйимга тенг кўнглим-а,  
Ҳеч сўли йўқ ўнглим-а,  
Кел, гўзал дил бўламиз!

## Киприк

Қуюнчагим — опажоним,  
Айтгай десам... шу... ҳалиги,  
Ўйлатади сизни бунча,  
Кипригим калталлиги.

Қалаштирдим баҳоналар,  
Узун киприк яхши, бироқ,  
Нурга илҳақ дунёимизни  
Кўрсам дейман-да порлоқ.

Яширмасин бирор тўсиқ  
Ўтдан ўткир нигоҳимни.  
Англасинлар бир қарашда  
Гоҳ севиңч, гоҳ оҳимни.

Камчиликка йўманг, опа,  
Улар бизга ўринсизлар,  
Қайдан билсин нуқсонини  
Киприги узун қизлар!

Муниса АЪЗАМОВА

Навоий вилояти

## Саратон

Харорати ошди кўёшнинг,  
Ой юзидан ювилди пардоз.  
Капалаклар учаётган пайт,  
Бунча секин келаянсан, ёз!  
Даласига боққан деҳқоннинг,  
Манглайига ажин тушибди.  
Бизда шотут тугамай туриб,  
Қай худудда тарвуз пишибди.  
Учиб кетган варрагим излаб,  
Югураман дала, қир оша.  
Комбайини кўрмаган қизга,  
Бугдой ўрими ҳам томоша.  
Зардолига таъм кирди бирдан,  
Боғлар аро рўҳим кезарди.  
Илк бор совчи келганим кўриб,

Олчаларнинг юзи қизарди.  
Девор оша кузатар ҳар кун,  
Кўшини кизни соғинган терак.  
Мураббони тугатиб тушди,  
Муздай сувга чўмилар куйлак.  
Нур теккандай ҳазин юзига,  
Кун кўзида унқар айвон.  
Ҳаммасини бошлаб қўйиб, сўнг  
Хуррак отиб ухлар Саратон!

## Ўша пайтлар...

Ўша пайтлар,  
Афсуз эди бари умрим,  
Ҳайрат бўлиб кўринарди турфа тараф.  
Ўн саккизга етиб-етмай юрган ёшда,  
Севмоқ шарафиди, севилюк шараф.

Ўша пайтлар,  
олов эди нигоҳларим,  
Тоза эди нафасларим, ҳавасларим.  
Ҳали парвоз этолмаган орзуларнинг  
Қанотларин боғлаб қўйиб қафасларим.

Ўша пайтлар,  
баҳоримди ё ёзимди,  
Армонларга отилмаган бир ўқ эдим.  
Ўша пайтлар Сен бор эдинг,  
Сен бор эдинг,  
Ўша пайтлар ишқ бор эди, мен йўқ эдим!

Кумуш ЎСАРОВА

Самарқанд вилояти

## Шукрона

Қара, рангинкамоллар бизга муштоқ,  
Муаттар бўстонлар бизга муштоқ,  
Муҳаббат юртида билсанг яшаш бахт,  
Кувонгин, меҳрибонлар бизга муштоқ.  
Ватан ободир, шукрона қилгин,  
Саодатли замонлар бизга муштоқ.  
Бутун ёшлар учун имконият кўп,  
Ўқи, илм ол, шонлар бизга муштоқ.  
Фақат меҳнат ила роҳат топарсан,  
Фароғат тўла онлар бизга муштоқ.  
Қанот ёзгин, баланд учмоққа шай бўл,  
Алишер, осмонлар бизга муштоқ.

## Бахт

Қалбимиз ичра зиё бўлса, шу бахт,  
Хар нафас дилда вафо бўлса, шу бахт.  
Эй дийрим, сен саодат масканим,  
Доимо сулуҳ сафо бўлса, шу бахт.  
Хар нафас фарзандга бахт истаган  
Онамиз биздан ризо бўлса, шу бахт.  
Ғамга ботган чоғимизда биз билан  
Ўн эмас, бир ошно бўлса, шу бахт.  
Майли зебо бўлмасин дилдоримиз,  
Борлиғи номус, ибон бўлса, шу бахт.  
Эй Алишер, бизга олқиш шарт эмас,  
Шеъримиз дилларга жо бўлса, шу бахт.

Алишер МУҚИМОВ

Сурхондарё вилояти

## Келди

Сен — дўст, юрагимнинг яқин одами,  
Қалбингни зиёрат қилгани келдим,  
Кўнгли томонларга хавотир тушли,  
Жон-ганинг омоним, билгали келдим.  
Сўзингни, кўзингни, ўзингни, эй дўст!  
Кечикиб, ичкики кўргани келдим.  
Дилим булоқ, аммо меҳрга ташна,  
Тўкилгали келдим, тўлгали келдим.

Анордай ёрилиб, алвон бўлар қалб,  
Дийдор малҳамини сургани келдим.  
Ҳаёт — беафқат жанг бошларкан, кўрқма,  
Бир умр ёнингда тургани келдим.  
Бир бошга минг савдо солади тақдир,  
Елканга бош қўйиб кўнгани келдим.  
Неки дард бермасин, қайғу бўлмасин  
Ахир, мен борман-ку, дегали келдим.

## Ушқ

Бу тонг бир ишқ туғилмиш  
биродар,  
Бир ширин,  
Бир тоза,  
Бир овоз,  
Рўҳимни элтади ўзига  
Ишқ — қанот!  
Елларнинг сочларин тортқилаб  
Қушчалар салавот айтади.  
Соғинчранг қўйлақда кўнглингни  
Бахт қайтади!  
Лабимдан тошда  
сўзларим  
Мен айтсам  
юз айтим,  
минг айтим,  
Сарсари йилларнинг бағрига  
Шеър бўлиб қайтдим!

Хонзодабегим ЖАМОЛОВА

Тошкент вилояти

## Осмоннинг эртаги

Кўкда юлдуз маржонлари  
Живир-живир,  
Чўпчак айтар бир-бирига  
Шивир-шивир.  
Ойнинг нури таралади  
Жимир-жимир.  
Мен-чи Ойнинг эртагини  
Тинглаб ётдим.  
Кўзларимга уйку келиб  
Тошдек қотдим.  
Эртақдаги пахлаводдек  
Хуррак отдим.

## Меҳмонга

Олапар бир меҳмон чорлаб,  
Йлоғин суяб қўйди.  
Олмахонови қутиб олгач,  
Хурмат деб суяб қўйди.  
Меҳмон қуруқ келгани йўқ,  
Совғасин ортиқ бўлди.  
Кўнглининг, сара ёнроқ  
Муносиб тортиқ бўлди.  
— Қани-қани, олинг, — дея,  
Бир-бирга саза қилди.  
Аммо қайдан Ҳакка келиб,  
Ёнроқдан маза қилди...

Ўткир ТОТЛИБОВ

Жиззах вилояти

Саҳифани Ҳумюн АКБАРОВ тайёрлади.

## ПЕЛЕ

Отаси Пеленинг футболчи бўлишини,  
футболни севишини, Пеле даражасига чи-  
қилиши хоҳларди, кечалари ухлатмай фут-  
бол кўрсатиб чиқарди. Бечора Пеле  
бўлса, қизарган кўзини ишқаб  
телевизорга бемаъно тикилиб  
ўтирарди. Айниқса, ўша жамоа  
мағлубиятга учраганда беса-  
баб калтак еган онаси, полда  
чил-чил синган пиёла, сингисининг чир-  
қиллаб йиғлаши Пеленинг футболдан  
нафратланишига сабаб бўлди. Отаси уни  
хар кун машқ қилдирад, ҳовлидаги дар-  
возага кептик тептирад, Пеле эса, юраги  
қалтираб, гол уриш эмас, отаси уни  
сўкмаслиги учунгина ҳаракат қиларди. Шу  
тариқа Пеле ва футбол ўртасида улкан  
жарлик — нафрат пайдо бўлди.  
Дадасининг дўсти, футбол мактабининг  
директори уни сўзсиз футбол мактабига  
қабул қилди. Дадасининг орзуси — фут-

## Қатра

Бола мактабга борди.  
Биринчи дарс танишув...  
Алишер, Мардон, Мафтуна... Маҳмудов  
Пеле! Уқитувчининг ҳам беихтиёр кулгиси  
келдию ўзини тутди. Бу фалати исм эгаси-  
ни кўп хижолат қиларди. Бошланғич синф-  
ларда билинмади, лекин ўсмирлик пайти-  
да Пелега минг бир лақаб ёпишиб қолар-  
ди: пела, негр, пўли... Баъзи китмирлар  
эса: сени лўлилар ташлаб кетган, шунинг  
учун исминг шунақа, қара, ҳаммани исми  
ўзбекча, битта сенинг исминг Пеле дейи-  
шарди. Буниси ҳам ҳолава экан, асосий му-  
аммо отасининг ишқибозлиги бўлди. Ота-



## Янги таржима

Шаҳарнинг юқори қисмида Кувноқ шаҳзода-  
нинг ҳайкали ўрнатилган. Ҳайкал олтин билан  
қопланган, кўзлари оч ҳаворанг, қимматбаҳо  
тошлар билан безатилган, белига қизил ранга-  
ги қимматбаҳо тош илинган. Унинг гўзаллиги-  
дан ҳамма ҳайратда эди. Оналар болалари йиғ-  
лаганда Кувноқ шаҳзодага ўхшасанг бўлмайди-  
ми, деб лакки беришарди.

Оскар УАЙЛЬД

## ҚУВНОҚ ШАҲЗОДА

Бир куни кечаси ёлғиз қуш  
шаҳар бўйлаб учиб юрди. Бошқа  
қушлар эса Миср томонга қанот  
қоққан эди. «Тунни қаерда ўтказ-  
сам экан, — дея ўйга толди қуш  
ва кўзи ҳайкалга тушди. — Жу-  
да-ям баланда экан, тепада ҳаво тоза бўлса керак».  
Қуш Кувноқ шаҳзоданинг оёғига қўнди. «Ме-  
нинг олтиндан ёғоғим бор», деб ўйлади у. Лекин  
эндигина қанотида бошини қўйган ҳам эдики,  
бошига бир томчи сув тушди. Қушча осмонга  
қаради: «Жуда ҳам галати. Осмонда булут йўқ,  
Ёмғир ёғяпти, шекилли. Бу ерда жон сақлай ол-  
майман чоғи, бошқа жой топшим керак», деб  
ўйлади у ва учиб кетишга ҳозирланди. Энди қано-  
тини ёймоқчи бўлганида тепага қарагиси келди:  
«Кувноқ шаҳзоданинг кўзлари тўла ёш эди. Кўз  
ёшлари олтин қопланган юзидан сизиб тушарди.  
Унинг юзи ой шуъласида нур таратиб турар ва  
қушча унга жула ачиниб кетди.  
— Сен кимсан? — деб сўради қушча.  
— Мен — Кувноқ шаҳзодамани!  
— Нега йиғлаясан? Қара, кўз ёшиндан ҳул  
бўлиб кетдим.  
— Ҳаётлигимда, — деди шаҳзода, — бошқа-  
ларникидек юрагим бор эди. Бироқ билимим,  
ҳозир нега йиғлаяман. Саройда яшаган пайтим  
қайғу нималигини билмасдим. Кун бўйи сарой бо-  
нида дўстларим билан ўйнардим, оқшомлари

## Эртақ

— Мисрда мени дўстларим қутяпти, — деди қушча.  
— Қушча, қушча, илтимос бир кеча қолиб, шу  
тошни олиб бор. Болакайга жула раҳим келяп-  
ти, — деди шаҳзода.  
— Ҳозир жула совуқ, — деди қушча, — эртага  
олиб бориб бераман.  
— Раҳмат сенга, қушча, — деди шаҳзода.  
Эртасига қушча шаҳзоданинг белидан қиммат-  
баҳо тошни олиб, шаҳарча томлари устидан учиб  
ўтди. Сарой ёнидан учаётганда мушиқа овозини эш-  
итди. Қушча дарё устидан учиб ўтиб, ниҳоят ўша уйга  
етиб келди. Ичкарига қараса, болакай қараовтда  
ётибди, онаси чарчаб ухлаб қолган экан. У уй ичига  
учиб кириб қимматбаҳо тошни стол устига қўйди-  
да, Кувноқ шаҳзоданинг олдига учиб кетди.  
— Бу жула галати, — деди қушча, — ҳаво жула  
совуқ, лекин мен илиқликни ҳис этиялман.  
— Чунки сен савоб иш қилдинг, — деди шаҳзода.  
Қушча ухлаб қолди. Эртаси тонгдан қушча ша-  
ҳар бўйлаб уча бошлади. У қашшоқ оилаларга ол-  
тин улашарди.

Инглиз тилидан  
Ойдиной ВАХОБЖОНОВА  
таржимаси.

Андижон вилояти

## Хайрли тонг

Хайрли тонг, қуюқ киприк, қош,  
Қаловатда, айт, олдинги тин?  
Турасаним чиққанда кўёш?  
Гўдак тонгни томоша қилгин.

Эй, кўзларим янги лаҳзанинг  
Либосига гуллар қадагин.  
Тунларингни гафлатта сотдинг,  
Тонгларингни менга атагин!

Кўз олдига турган борлиқни  
Кимдир ҳали англаб етмаган.  
Қара, боғнинг қўқ чойшабидан  
Ҳали тонгнинг ҳиди кетмаган...

Қулоқларга чалинса азон,  
Кўзлар эмас, уйғонади дил.  
Кўзларингда уйғонган шу тонг,  
Аввал қалбда уйғонади бил!

## Сен билан

Ҳеч ҳам тугамас йўл,  
Йўлақни сайр этсак.  
Иккимиз ушлашиб қўл,  
Юракни сайр этсак.

Сен билан юрсак бирга,  
Бўлмаса йўл охири.  
Ҳамроҳ бўлсалар бизга,  
Баҳору куз ёмгири...

Орзулар тўлиб дилга,  
Етиссак шу йўл билан.  
Етажакмиз манзилга,  
Йўлга чиқсак дил билан!

Наргиза УСМОНОВА

Қашқадарё вилояти

## Ўшқ

Мен шаҳарни кўрган эмасдим,  
Кўчаларни чағитиб ўсдим.  
Мол ҳайдадим, экинлар экиб,  
Эгатларда ўйнаб лой кечдим.  
Мен қизларга гап отиб эмас,  
Кесак отиб, тош отиб ўсдим.  
Тўпорилик бордир қонимда,  
Қишлоқданман, бу бир бахт, дўстим.  
Гулзорлардан гуллар юлмадим,  
Камолнинг кўриб кўнглим шод.  
Анҳорларнинг бўйида ётиб,  
Ҳаёт куйин олган эдим ёл.  
Озроқ хату савод чиқариб,  
Ихлос қўйдим улуг бир зотга.  
Юрагимга орзулар солиб,  
Йўл олдим мен адабиётга.

Жаҳонгир НОРМАТОВ

Хоразм вилояти

## Онажон

Тушларимга киради сизнинг,  
Аҳён-аҳён йиғлаганингиз.  
Қадоқ қўлни юзимга босиб,  
Паришонҳол мудраганингиз.

Сизни қандай рози қилганинг,  
Жавоб беринг, айтинг, онажон.  
Бағрингизда мудом қудайинг,  
Бахтли бўлинг, жоним, онажон.

Умид билан боқинг кўзимга,  
Шаҳдамликни кўрасиз унда.  
Майли, мени тергасангиз ҳам  
Рози бўлмай қўйманг, онажон.

Сарвиноз ТУЛИЕВА

Қорақалпоғистон Республикаси

# ҲАМНАФАСЛИК СУРУРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Биласиз, давлатимиз раҳбари илгари сурган беш ташаббуснинг биринчи бандида ёшларнинг бўш вақтларидан самарали фойдаланиш, уларнинг расомлик истеъдодини юзага чиқаришга эътибор қаратилган, дейди О. Қозоқов. — Биз академиямиз раҳбарияти билан келишиб, бу ерга 17 нафар ёш талаба-расомлар, тажрибали ўқитувчилар билан ташриф буюрдик. Кўриб турганимиздек, ижодкорларимиз кишлоқнинг ҳозирги манзараларини бор ҳолича чиқишяпти. Ҳадемай, қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоятингач, биноларнинг янги кўриниши билан аввалгиларини таққослаб, яна бир кўрғазма ташкил этилади. Расомларимиз атрофини ўраб олган ёшларнинг кўзларига эътибор қилинг: ҳайрат тўла. Ахир, оддийгина буюқлар воситасида кишлоқ манзаралари уларнинг кўз ўнгиде расмга айланмоқда. Тўғри, ёшлар бу каби расмларни китобларда, журналларда авваллари ҳам кўрган бўлишлари мумкин. Аммо уни тенгдош расомлар чиқарганини кўришнинг завқи бўлакча. Психологик нуқтаи назардан олиб қаралса, расомликка иктидор бор, санъатга иштиёқли фарзандларимизни аниқлашнинг энг осон йўли ҳам мана шундай — улар билан бақамти ижод қилиш. Улар бераётган саволлар ҳам қизиқ. Расомларимизнинг қўл ҳаракатларига махлий бўлиб, умид билан тикилишларида ҳам бир ҳикмат яширин. Демак, уларнинг қалбиде ҳам иштиёқ уйғонмоқда, энг асосий мақсад ҳам ана шу қобилиятни юзага чиқариш.

Нариқоқда ҳарбий ансамбль томонидан ижро этилаётган марш қўшиқлари зарбидан қаддингиз беихтиёр тикланади, гурур туя бошлайсиз. Ахир, бу қўшиқлар Ватан, унинг шарафи, тинчликнинг барқарорлиги ҳақида.

Энг катта воқеа мактаб стадиониде кечаётди. Сўхбатдошимиз "Бирлик" маҳалласи раиси Ҳанифа опа Ҳусанова ўз таассуротларини шундай ҳикоя қилиб берди:

— Бугунги тadbирдан фуқароларимиз жуда хурсанд. Озодбек Назарбеков, Алишер Файз, Гийс Бойтоев каби санъаткорлар, танкичи шоир ва ёзувчилар, расомлар, ҳажронга донги кетган машҳур спортчиларни бир жойда — Беруний номидеги маҳалла фуқаролар йиғини марказиде кўриш биз учун

орзу эди. Эрталабдан буён аҳоли ўртасиде вело-марафон, тикувчилик, китобхонлик, ижодкорлик, компьютер техникаларидан фойдаланиш бўйича мусобақалар, беллашувлар ўтказилди. Шеър қўшиқлар оғушида дилларимиз яйради. Фолибларга турли қимматбаҳо совғалар улашилди. Мана, кўриб турибсизлар, иш шундай суръатда давом этса, ҳадемай обод бир маскан бунёд бўлади. Ушандам келингизлар, хайми?!

— Албатта, — дедик опанинг қувончига шерик бўлиб. Ҳақиқатан ҳам, бу ерда эрта тонгданок Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, ЎзМТРК ва бошқа қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ташаббуси билан давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббуснинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасиде тарғиб этишга қаратилган тadbирлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарғибот гуруҳи томонидан ўтказилган китоблар тақдироти, айниқса, йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Уюшма раисининг биринчи ўринбосари, танкичи шоир Минҳожиддин Мирзо, раис ўринбосари, шоир Нодир Жонузқов, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари — Рустам Мусурмон, Бобур Бобомурод ва бошқа шоир ва ёзувчиларнинг чиқишлари олқишланди. Тadbир сўнгиде уюшма қошидаги "Ижод" фонди томонидан нашр этилган турли мавзудеги шеър, насрий, бадий-публицистик китоблар туман ҳокимлиги масъулларига ҳадя этилди.

Мана, тантана ниҳоясига етиб, ҳаммамиз ўз манзилларимизга қайтаёғимиз. Шоир Туроб Ниёз эътиборини хонадонларига мамнун қайтаётган тadbир иштирокчиларига қаратди:

— Қаранг, қаранг, одамлар китоб кўлиқлаб қайтишяпти...

Ҳақиқатан ҳам уларнинг қўллариде икки-учтадан китоблар бор эди. Қалбимизга ҳузурбахш илқик югурди. Бу ҳолат ҳаммамизнинг эътиборимизни тортиди. Ахир китоблар тақдироти ва тарғибот жараёнида кўйиб-пишиб қилган даъватларимиз самараси эди бу.

Ўқтам МИРЗАЁРОВ,  
гуруҳ аъзоси

*Барча замонларда тўғри сўз қадр топган, унга доимо эҳтиёж бўлган. Илгари тўғри сўз айтишга чекловлар кўп эди. Аммо ўшанда ҳам оқни оқ дея оладиган, халқ манфаатларига зид иш қилинаётган ҳолатларни кўриб, жим туролмайдиган журналистлар бўлган. Улар қийин вазиятларда ҳам ўзларидан кўра кўпроқ одамлар манфаатини кўзлаб, рост сўзни айтишга ўзлариде куч тона олганлар. Бугунги суҳбатдошимиз узоқ йиллар телевидениде «Ахборот» дастурининг Фарғона водийси бўйича махсус мухбири бўлиб фаолият юртган, бугунги кунда Фарғона вилоят журналистлар ижодий уюшмаси раҳбари лавозимиде ишлаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидов.*

— Муҳаммаджон ака, сиз «Ахборот» кўрсатувиде кўп йиллар ишлагиниз. Уш жамоаде ўзини буюрилган вазифаларни бажариб юрган журналистлар ҳам кўп эди. Аммо сиз нуқул «портловчи» материаллар тайёрлаб келардингиз. Бу лавҳалар эфирга кетмасиданок ижодий гуруҳ хавотирга тушарди. Қизиқ, бундай материалларни тайёрлаш керакми, сизга?

— Журналистик фаолиятим давомида ўзим ҳеч қачон мавзу танламаганман. Мавзунинг ўзи айтиб туради. Журналистнинг кўриб кўрмасликка, эшитиб эшитмасликка эса ҳаққи йўқ, деб ҳисоблайман. Агар ишим давомида жиддий, сиз айтгандек, «портловчи» кўрсатувлар, лавҳалар тайёрлаган бўлсам, бу менинг замондошларимни қийнаётган ташвишлар, муаммолар, айрим коррупционер корчало-

ки бунақа гаплардан бир иш чиқиши қийин, бу ҳам шунчаки протокол учун айтилган гаплар, деб ўйлайман. Аммо учрашув тутаб, тарқалётган пайтимизда мен унга: «Сизда бир оғиз гапим бор эди», дедим. «Сиз биз журналистлар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида гапирдингиз. Аммо журналистларнинг бириртаси ҳеч бир гап айтмади. Аслида уларнинг ичи дарда тўла. Вазият эса ёмон. Масалан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи (ФН-ҚИЗ)да бундай ишлар бўляпти, «Кварц» ойна заводи эса бунақа товламачи-



эканимда, ўқининг биринчи кунлари дарслар тугагач, теледунйага келганман. У пайтда Элбек ака «Ёшлик» студийасиде ишларди. «Мен келажакда тележурналист бўлмоқчиман, бугун, дарсларни ўтказиб, тўғри сўзнинг олдингизга келавердим», дедим.

— Ўғлим, бу жуда мураккаб касб, яна ўқиш билан баробар олиб боришга тўғри келса, қийин бўлади. Ишлаб кета олармикансиз, — дедим.

— Бу менинг қатъий қарорим. Ишлаб кетаман, — дедим.

— Хуллас, Элбек ака мени қанотларни остига олди. У киши нафақат раҳбар, ус-

## “МАЗЗУНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ АЙТИБ ТУРАДИ”

ларнинг ўз манфаатлари йўлида мансабларини суниётмоқ қилиб, бошқалар ҳисобига бойишга ҳаракат қилаётганларни кўриб, журналист сифатида бедарқ қарай олмаганимдан. Бундай материалларнинг қанчалик машаққат билан тайёрлашганидан ўзингининг хабарингиз бор. Уларни эфир-

ликлар бор. Ёр-мой комбинати маҳсулоти — кунжарнинг комбинатдан чиқиш нархи 11 сўму қўчада сотилаётган нархи 65-70 сўму! Салкам етти-саккиз баравар фарқ қилди», деб айрим мисолларни келтирдим. «Бунинг ҳамма, шу қатори сиздан аввал ишлаган прокурор ҳам кўриб, билиб турган. Энди сиз ҳам кўриб, индай олмасангиз керак», дедим. Шунда у одам ўрнидан туриб кетди. «Муҳаммаджон, қонунийликни таъминлаш йўлида биз ҳамфикр эканмиз, бирлашиб ишлашимиз», деди. Менга вилоят прокурорининг мана шу гапи катта туртки бўлди. Шу ишонч билан мен «Ёр-мой комбинати»нинг сир сақланган ҳужжатларига қариб бордим. Бу жуда қийин бўлди. Турли усулларни қўллашга тўғри келди. Ахир, кимдир биров: «Мана бу рақамларни, бу ахборотларни олиб ишлатинг», демеди-ку. Роса уч ой вақт нафақат мана шунинг ўзини қўйиб бердим. Материал тайёр бўлиб, эфирга узатиш фурсати келганида, айрим катталаримиз турли ваз-қоронлар келтириб, «Бу муаммони биз яхшилаб ўрганиб чиқмагунча эфирга бермай турамиз», дейишган. Мен ҳам бунинг келмадим:

— Бу материални бериш, бермаслик сизларнинг ваколатингизда. Мен уни тайёрлаб келдим, холос. Агар бугун шу материал эфирга кетмаса, биринчи имконият бўлди дегунча, унинг видеонусхасини шахсан Президентга етказаман, бу ерда бўлган гапни ҳам шундайлигича айтаман, — дедим.

Эфирга қўйишди. Уш кунинг ҳамма ёқда шов-шув, мени юқорига қақришди. Мутасаддилар тўпланиди, эҳтирослар жунбушга келди... Хуллас, эртасидан бошлаб одамларга, фермерларга, хўжаликларга ёр, кунжара ва шулча ўз нархиде берилди бошланди. Ўз ҳақларини қўлга киритган қанчадан-қанча одамларда адолатга, ҳаётга ишонч орди.

— Шубҳасиз, Сизнинг бу шижоатингиз, журъдингиз биз ҳамкасбларда ҳам кўтаринки кайфият уйғотган эди. Келинг, шу ўрнида узгусторларини ҳам бир эслаб ўтайлик.

— Мен телевидениде келганимда бир яхши инсоннинг қўлига тушганман. Бу Ўзбекистон санъат арбоби, жуда кўпга тележурналистларнинг устози Элбек Мусаев эди. 1968 йили, биринчи босқич талабаси

тоз, балки отам каби эди. Кези келганда, пулис қолганини, оч-наҳор юрганини ҳам сезиб, камзулининг чўнтагига беш-ўн сум пул ҳам солиб қўярди. Учинчи курсга ўтганимда қақиртириб, ишга қабул қилиш тўғрисида арзиз ёздири.

— Қатнаб юрганим яхшимиди, ишга кирсам мажбуриятнинг кўпайиб кетди, Элбек ака, — дедим.

— Талаба бўла туриб ҳам қилаётган ишларингиз бу ерда ишлаётганларикидан кам эмас. Эплайсиз, — дедим.

Ростанам ўша йилларда «Студентлик олтин даврим», «Интернационал дўстлик клуби» сингари кўрсатувларни ташкил қилган эдим. Булардан ташқари, тайёрлаган очеркларим, лавҳаларимни кўриб-кузатиб юраркан-да. Мен бу инсоннинг номи олдиде доимо бошимни эғиб тазийм қиламан.

— Муҳаммаджон ака, китобларингиз ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

— Телевидениде айтолмаган, унинг форматларига тўғри келмайдиган фикрларимни китобларимга киритганман. «Мен кўрган дунё» номли китобимда мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий воқеаларига бағишланган, ўзимизда ва хорижий оммавий ахборот воситалариде ёритилган таҳлилий мақолаларим киритилган. «Фарғона журналистикаси» китобимда эса ўтган аср бошларидан то шу кунларгача Фарғона вилояти газет ва журналларида, радио ва телевидениде фаолият олиб борган журналистларимиз, нашрлар ҳақидаги маълумотлар тўпланган. «Журналистик сурштириш. Тажриба ва таҳлил» китобимни ёш журналистлар ўқилиши истар эдим. Фаолиятим давомида тўплаган тажрибаларим ёритилган бу каби китобларим ҳаётини шу соҳага бағишлаш истагиде бўлган ёшлар учун бир қўлланма ўрнини ўтаса, деб умид қиламан.

— Муҳаммаджон ака, ҳамкасб сифатида соҳага оид суҳбатимизни давом эттирадиган мавзулар кўп. Сизни жамоатчилик яхши танийди. Хурматланади. Касб байрами арафасиде фурсат топиб суҳбатлашганингиз учун Сизга раҳмат. Соғ бўлинг.

Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ  
суҳбатлашди.

## ХАЛҚ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси  
27 июнь — матбуот ва оммавий ахборот  
воситалари ходимлари кунин билан соҳа  
фидоийларини ҳаммий  
муборакбод этади.

*Юртдошларимизни холис ва ҳаққоний ахборот билан таъминлашдек масъулиятли, заҳматли ишларингизда Сизларни куч-ғайрат ҳеч қачон тарқатмасин!*

Халқ банки пенсионерлар учун овердрафт кредит карталарини таклиф қилади

Картани очиш	бепул
Карта муддати	5 йил
Картага пенсия маблағини кирим қилиш	1 кун давомида
Картадан Халқ банки банкوماتи орқали нақд пул ечиш	бепул
Картадан Халқ банки кассаларида нақд пул ечиш	бепул
Картада пенсиянинг 50 фоизгача маблағ (овердрафт кредит) маъжуд	ушбу маблағдан ҳар ойда пенсия маблағи келиб тушгунча фойдаланиш мумкин
Пенсия овердрафт кредити муддати	12 ой
Овердрафт кредит фойзи	ойлик 1,33 фоиз



www.xb.uz info@xb.uz (0371) 200-00-55

### “Respublika mulk markazi” MCHJ “Toshkent mintaqaviy filial” эълон қилади

Савдога, 1-“ГБАСПГ Нексия Дон” русумли д/р 01/507УАА, 2011 й/и/ч бошланғич баҳоси — 17 358 377 сўм, 2-“ГБАСПГ Дамас” русумли д/р 01/667ОСА, 2013 й/и/ч бошланғич баҳоси — 18 212 872 сўм 3-“Нексия” русумли д/р 01/955УАА, 2008 й/и/ч бошланғич баҳоси — 15 117 587 сўм автотранспорт воситалари қойилмоқда

Аукцион саволари 2019 йил 27 июль соат 10:00 да ўтказилади. Аризалар расмий иш қилари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушув). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 25 июль соат 16:00. Автотранспорт воситаси шу кунга сотилмаган тақдирда, тақрибий саволар 2019 йил 03 ва 10 август кунлари соат 10:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2019 йил 03 август савдоси учун 1 август соат 18:00; 2019 йил 10 август савдоси учун 8 август соат 18:00 да ўтказилади. Талабдорлар закият келишув шартномасини имзолаб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закият пулини ХАТБ “DAVR-BANK” Бош Амалдорлар Бюросининг хисоб рақаминга (2260 4000 8005 7145 2003, МФО0981, ИНН200933 850) тўлаш шарт. Савдо голибига 10 банк кунини ичиде сотувни билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси ўтказилганидан маъзил: Ташкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Тел: 233-28-52. Расмий сайт: www.tmm.uz.  
Гувоҳнома: 001805.

### ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ТАЙЁР

Ёз мавсумиде фарзандларимиз диёримизнинг тоғли ҳудудларидеги соғломлаштириш масканларида ҳордиқ чиқарадилар. Оромгоҳлар маъмурияти болаларнинг яхши дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш билан бир қаторда, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ҳам алоҳида аҳамият беришлари лозим. Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш даврида ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Ёғзи таътил мавсумини қўнғилдагидек ўтказиш учун ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилиш лозим. Оромгоҳ ҳудудидеги биноларнинг ёғоч қисмларини махсус кимёвий суёқлик билан қайта ишлаш, гулхан ёқилган майдонларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, бинолардан узоқроқдаги майдонларда гулхан ёқиш мақсадга мувофиқ. Фарзандларимизнинг ёғзи дам олиш кунлари сермазмун ўтиши учун турли ҳолатларга йўл қўймаслик нафақат соҳа ходимларининг, балки барча ҳамюртларимизнинг ҳам бош мақсадига айланиши лозим.

С.ДАДАБАЕВ, М.ТУРСУНОВ, Ғ.РИЗАЕВ,  
Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ва жамоаси педагогика фанлари номзоди, доцент Мусаллам Абдуҷабборовага онаси

ОЙХУМОР аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбек Миллий Академик драма театри жамоаси театр дурадгори

Маҳаммаджон МУҲАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси

Минайхон ЖУМАНАЗАРОВанинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Электрон манзилмиз: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Ўқтам МИРЗАЁР

Халқ оқишлари: akfa

Тахриратга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайдиган. Муаллифлар фикри тахрират нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АКБАРОВ  
Саҳифаловчи — Зафар РҶЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигиде 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.  
Адади — 6129. Буюртма Г — 655.  
Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.  
Нашр кўрсаткичи — 222.  
Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси.  
Босмахоно манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти — 21.45.  
Босишга топширилди — 21.55

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВАДА НАРХИ ЭРКИН.  
ISSN 2312-614X

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40  
Назм ва наср бўлими: 233-58-60